

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

# АДАБИЁТШУНОСЛИҚНИНГ ДОУЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

CONTEMPORARY PROBLEMS OF LITERATURE CRITICAL STUDIES  
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИТЕРАТУРОВОЕДЕНИЯ

Ўзбекистон Республикаси фан, арбоби, академик Бахтиёр  
Назаров таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан  
ўтказилган халқаро конференция материаллари

*Materials of the international conference dedicated to the 75th  
anniversary of the scientist of the Republic of Uzbekistan, academician  
Bakhtiyor Nazarov*

*Материалы Международной конференции, посвященной  
75-летию со дня рождения ученого Республики Узбекистан,  
академика Бахтияра Назарова*


2020 йил 16 – 19 сентябрь, Ўзбекистон  
september 16 – 19, 2020.  
16 – 19 сентябрь 2020 г.

«ТАФАККУР» НАШИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2020



# АДАБИЁТШУНОСЛИҚНИНГ ДОУЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛАРИ



## МУҲДАРИЖА

Умр ибрати (Низомиддин Махмуродов) .....3

### АКАДЕМИК БАХТИЁР НАЗАРОВ – ФАН ФИДОЙИСИ

Наим Каримов. Олим бўлиш бахти ва машаққати.....	7
Тура Мирзаев. Атоқли олим, йirik фан ташкилотчиси.....	13
Каримбой Қуромбоев. Қорақалпоқ адабиётининг ҳам моҳир тадқиқотчиси.....	17
Almaz Ulvi Binbatova. Azərbaycan elmi ictimaiyyətinin uzaqın dostu Akademik Vəxtiyar Nazarov.....	22
Сайди Умиров. Ёлтирофларга қўшимча қилмоқчийдим.....	26
Қурдош Кахрамонов. Миллий жойиба талқини.....	32
Шоира Аҳмедова. Танқидчи маҳорати хусусидаги изланишлар.....	37
Абдухамид Холмуродов. Бадний тафаккурнинг теган таҳлили.....	42
Саодат Султонсидова. Оламни забт этган олим.....	47
Ғайрат Муродов. Бир мақола таҳлили ёки Абдулла Қаҳҳорга эҳтиром.....	52
Ислоҷон Ёқубов. Бахтиёр Назаров илмий услубининг айрим қирралари.....	56
Дилрабо Қувватова, Нафосат Уроқова. Академик шoir ижоди улкан мунаққид нигоҳида.....	60
Бойназар Ёулдошев. Мунаққид феномени ва ижодий индивидуаллик.....	65
Зулхумор Мирзаева. Тафаккур сарҳадлари.....	71
Исҳоқжон Носиров. Етук мунаққид.....	77
Махсума Деҳқонова. Ойбекининг адабий-танқидий қарашлари Бахтиёр Назаров талқинида.....	82

### МУҲТОЗ АДАБИЁТГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Абдусалом Абдуқодиров. Ҳамза назмида аънанавий ва янги талқинлар.....	87
Низомиддин Муруди. Персидско-таджикские литературные традиции в Восточном Туркестане.....	93



**Дилрабо ҚУВВАТОВА,**  
Бухоро давлат университети профессори,  
филология фанлари доктори,  
(Ўзбекистон)

**Нафосат УРОҚОВА,**  
Бухоро давлат университети ўқитувчиси,  
фалсафа фанлари доктори (PhD)  
(Ўзбекистон)

**АКАДЕМИК ШОИР ИЖОДИ УЛКАН МУНАҚҚИД НИГОҲИДА**

**Аннотация.** Улкан муннаққид, академик Бахтиёр Назаровнинг ўзбек адабиётшунослигига оид, "Ҳаётийлик – безавол мезон", "Ғафур Ғулом олами" сингари салмоқли тадқиқотларида XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, хозирги адабий жараян ва адабий танқиднинг долзарб масалалари еритилган. Мақолада шу асарлар таҳлилга тортилиб, олимнинг Ғулом ижодига муносабати, бадиий олами, танқидчилик фаолиятига доир қимматли қарашлари ўрганилган.

**Аннотация.** Значительные исследования великого критика, академика Бахтияра Назарова по узбекской литературоведению, такие как «Жизнь – неискаемый критерий», «Мир Гафура Гулама», освещают историю узбекской литературы XX века, литературную теорию, современный литературный процесс и актуальные проблемы литературной критики. В статье анализируются эти работы, и исследуется отношение ученого к творчеству Г.Гулама, его ценности взгляды на мир искусства, его критическая работа.

**Annotation.** The great critic, academician Bakhtiyor Nazarov's significant researches on Uzbek literary criticism, such as "Life is an inexhaustible criterion", "The world of Ghafor Gululam" cover the history of twentieth-century Uzbek literature, literary theory, current literary process and current issues of literary criticism. The article analyzes these works and examines the scholar's attitude to the work of G.Ghulam, his valuable views on the art world, his critical work.

**Калит сўзлар:** ўзбек танқидчилиги, муннаққид, бадиийлик мезони, сатира, маҳорат қирралари, шакл, мазмун, услуб, индивидуаллик

**Ключевые слова:** узбекская критика, критика, критерий искусства, сатира, аспекты мастерства, форма, содержание, стиль, индивидуальность.

**Key words:** Uzbek criticism, critique, criterion of art, satire, aspects of mastery, form, content, style, individuality

XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётшунослиги тараққиёти ўт-қир мунаққид, академик Бахтиёр Назаров номи билан чамбарчас боғлиқдир. Олим томонидан яратилган салмоқли тадқиқотлар унинг илм оламида ўз айтадиган услубига эга эканлигини кўрсатиб туради.

Айтish мумкинки, Бахтиёр Назаров адабиётшуносликнинг ўнлаб жанрларида самарали ижод қилди. Булар орасида "Бу

сеҳрли дунё", "Ҳаётийлик – безавол мезон", "Олим маданияти", "Меҳр куйчиси", "Ғафур Ғулом олами", "Ўзбек танқидчилиги. Ғо-аявийлик. Метод. Қаҳрамон" номи унга яқин рисола ва моно-графиялари ўзбек танқидчилиги тадқиқоти бағишланганлиги билан эътиборни тортади. Шунингдек, олимнинг катор тақрири суҳбат, мақола ва портрет-мақолаларида XX аср ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, хозирги адабий жараяннинг дол-зарб масалалари ёрилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, Б.Назаровнинг А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғулом, Ойбек, Х.Олимжон, А.Қаҳҳор сингари ўзбек адабиётининг улкан намояндалари ижоди ўрганилган асарлари ҳам, А.Орипов, Р.Дар-фи, Х.Худойбердиева, У.Азим, С.Салимов, М.Кенжабек сингари шо-ирлар шеърлари таҳлил этилган тадқиқотлари бугун фанимиз саҳифаларини безаб турибди. Бу яратилган унинг бадиий сўз-фасоҳати ва назокатини теран англаган тийран нигоҳли адаби-ётшунос сиймосини намоян этиб туради. Мулоҳазаларимизни Б.Назаровнинг академик шоир Ғафур Ғуломга бағишланган ил-мий асарлари мисолида асослашга ҳаракат қиламиз.

Ғафур Ғуломнинг серқирра, тақдорланмас ижодий фаолияти янги ўзбек адабиётининг олтин хаизанасини ташкил этади. Шу жиҳатдан олимнинг, айниқса, Ғулом ижоди билан боғлиқ изла-нишлари катта қизиқиш уяғотади. Унинг "Ҳаётийлик – безавол мезон" китоби танқидчилик масалаларига, Ғуломнинг илмий танқидий мақолалари тадқиқоти бағишланган бўлса, "Ғафур Ғу-лом олами" китоби академик шоирнинг серқирра ижодини ўзида акс эттириши билан эътиборни тортади.

Бинобарин, "Ҳаётийлик – безавол мезон"да бадиийликнинг ҳаётийлик билан алоқдорликдаги муаммоларини назардан ўтказишга қаратилган муҳим илмий қарашлар акс этган. Қи-тобнинг "Устозлар таърибаси – маҳорат мактаби" фаслида ўз-бек танқидчилигининг шаклланиш даври бўлган ўтган асрнинг 20-30-йиллари назардан ўтказилади. Бу ҳақда олим ёзади: "Ўз-бек танқидчилиги 20-30-йилларда хозир биз билган маънодаги аъёнларига эга эмас, инқилобга хозир биз билган маънодаги профессионал муннаққидларимиз ҳам йўқ ҳисоби эди. "Мажо-лис ун-нафос", тилидаги асарлар нечоғли катта аҳамиятга эга бўлмасин, уларнинг кенг халқ оmmasи ва ижодкорларга таъсир доираси анча чекланган, шарқ классик аъёнларига биноян поэтик асарлар доирасида илгари сурилган адабий-танқидий фикрлар хозирги маънодаги танқидчилик ўрнини босолмас,

даги фаолияти борасида маълумотлар кам ва бори ҳам деярли ўрталмаган эди.

Бундан ташқари, Б.Назаров Ғ.Ғуломнинг биринчилардан бўлиб кинотанқидчилиқни бошлаб берганлигини, бошланганда ҳам, анча теран фикр юритган мунаққидларимиздан бири эканлигини кашф этди: “У 1929 йилда икки фильмга тақриз ёзди. Биринчиси, “Бахтли халқ” фильми, иккинчиси Америка кинематографиясига мансуб “Учувчи бахт” фильмидир<sup>28</sup>. Гарчи ушбу тақриزلарда шўро давридаги қарашлар, мафкуравий ёндашувлар сезилиб турса-да, ўзбек танқидининг шаклланиши, тараққиётини белгилашда муҳим манда бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ўтган асрнинг 20-йиллар охири – 30-йилларнинг бошларида ўзбек поэзиясида баландпарвозлик, қуруқ риторика, тантанаворлик руҳи етакчилик қилганлиги маълум. Қирғиз давра шеърятига шу нуқта назардан ёндалинган ва Ғ.Ғуломнинг адабий жараёндаги бу каби қусурларни назорат қилиш танқидчиликнинг эътиборини қаратганлиги асосланган: “Аксар шоирларимиз, – дейди у “Пролетариатнинг ҳар бир ижоди бир илҳом” (1931) номи мўъжазгина мақоласида, – заводларнинг баланд трубаляри учига қараб шеърлар ёзадилар, аслида тузумнинг буёқчилигини, улкан қурилишлар, иншоотларнинг моҳиятини қўққа қўтаришган трубалярининг учидан эмас, ерданги трипанларнинг, яъни одамларнинг ичидан қидирмоқ керак. 1931 йилда айtilган бу фикр адабиёт учун ҳам, танқидчилик учун ҳам ниҳоятда зарур эди<sup>29</sup>. Қўринадик, академик шоир поэзиядаги ижтимоийлашув ва субъектлашувни оқламайди, балки шеърни “одамларнинг ичидан қидирмоқ” кераклигини айтади. Бу Ғ.Ғуломнинг ҳақиқий шеърга берган баҳоси, аслида.

Дарҳақиқат, 30-йилларда рус адабиётида инсоннинг ўзидан кўра унинг меҳнатини мадҳ этиш, яратган нарасини қўйлаш, бутун эътиборни моддиятга қаратиш тамойили шаклланди ва бу, ўз навбатида, ўзбек адабиётига ҳам таъсирини ўтказмай қолмади. Баддий асарларни кузатадиган бўлсак, бундай анъана истиқболга бўлган даврда яратилган кўпгина асарларда кўзга ташланади. Мустақиллик йиллари ва ундан кейин яратилган асарларда ҳам шакл ҳам мазмун янгилашилари юзага келганлиги кузатилади. . Ижодкорларнинг моҳиятти поэтик идрок

<sup>28</sup> Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 17.

<sup>29</sup> Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 22.

инкилобча Туркистонда вужудга келган матбуот саҳифаларидаги адабий танқидчилик ҳам эндигина тетапоё босқичда эди<sup>28</sup>. Қўринадик, бу даврда ўзбек танқидчилиги адабий ҳодиса сифатида мавжуд бўлган ва шу асосда ўзбек танқидчилиги адабий ҳодиса сифатида айланган. Айтиш мумкинки, ушбу йилларда яратилган уч турга мансуб асарлар, хусусан, роман ва драмаларга баҳо берилган, улар ҳақида тақриз характеридаги мақолалар ёзилган. Б.Назаров шу жиҳатларни теран таҳлил этган ҳолда ўзбек танқидчилигининг шаклланишига таъсир этган ижтимоий-баддий омилларни очиб беради.

Мазкур қисмдаги яна бир эътиборли жиҳат шундаки, улкан олим илмда кузатилмаган ва эътироф этилмаган Ғ.Ғуломнинг адабий танқидчи сифатидаги фаолиятига назар ташлайди. мунаққидга мунаққиднинг нигоҳи нуқтага назардан муносабат билдирди. Zero, академик шоир ижодида йирик фундамен-тал тадқиқотлар ва назарий ишлар бўлмаса-да, ўтган асрнинг 20-30-йиллар ўзбек танқидчилиги шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни беқисланиши мисоллар билан далиллайди; адабиётшунос олим ва танқидчи сифатида бўй кўрсатган асосий фазилавлари жанговарлик, хозиржавоблик, нуқтадолик, тарғиботчилик, ташвиқотчилик ва тадқиқотчиликнинг ўзаро уйғунлашувида намоён бўлганлигини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, Ғ.Ғуломнинг кичик-кичик мақолаларида даврнинг муҳим масалаларига тийран фалсафий нигоҳ ва олимона фикрлар акс этган. Хусусан, ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек адабиётидаги муҳим муаммолардан бири эскилик сарқитларини фож этишдан иборат бўлган. А.Қодирий ва Ғ.Ғулом каби ижодкорларнинг бу даврда ўтқир сатирага янада кўпроқ аҳамият беришлари шу билан изоҳланиши бежизга эмас. Мунаққид бир ўринда: “Бизнинг сатирик асарларимиз маслақдошларимизни қулдириб, ғайри унсурларга ўлим зарбаси бериши, улар билан қатъий қураш олиб бориш вазифасини тарданга” олиши лозим, деб ёзди у 1928 йилги мақолаларидан бирида. Бу баддий адабиётимизнинг ҳам, танқидчиликимизнинг ҳам шаклланиш даври учун зарур гап эди<sup>29</sup>. – деб ёзди. Бу каби мулоҳазалар китобхон кўз олдига Ғ.Ғуломнинг танқидчиликдаги усулу қирраларини намоён этишда ғоят муҳим омил ҳисобланади. Бинобарин, шоир ва адиб сифатида танилган ижодкорнинг ўзбек танқидчилиги-

<sup>28</sup> Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 17.

<sup>29</sup> Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б. 20.



